



Ишк сирини баён этган Навойдан олдим сабок,

Шеър магзини чаколмасдан, гоҳ тушимда килдим сӯрок.

Навоийда мастур эмиш хаё, иффат, одоб-ахлоқ,

Билмок бўлсанг нафсни тийгин, Хак сўзига солгин кулоқ.

Куръон, хадис маъносига хамохангдир газаллари,

Хам насихат, хам маърифат, хам охангдир газаллари.

Дилимизда хирсу хавас хам кабохат уя курмиш,

Нафс домига банди бўлган, хакикатдан четда юрмиш.

Чунки у зот ишк дарсини оятлардан олган экан,

Шу сабабли ёзган шеъри то бизгача келган экан.

Адоватнинг, разолатнинг, таг-томирин кўпоргандир,

Хазрат битган шеърларини ишк сувидин сугоргандир.

Хакикатни била туриб нечук унга кўшилмаймиз?

Навоийнинг шеърларини у кутгандек тушунмаймиз?!

Эркин КУДРАТОВ,

Мир Араб ўрта махсус ислом

билим юрти мударриси

Фото: izi.travel